

Ishonch

2019 йил 22 июнь • шанба • № 76 (4205)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам Сенат аъзолари!

Хурматли ялпи мажлис қатнашчилари!

Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни соғ-саломат, яхши кайфиятда кўриб турганимдан мамнунман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўллади ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир даврда бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги кунда кўпмиллатли халқимиз мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида баҳамжihat бўлиб, қатъият ва фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Олдимизга кўйган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Айниқса, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани

янада ривожлантириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ билан доимий ва тизимли мулоқот асосида умумий сони 33 миллиондан ортиб бораётган аҳолиимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида янги қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт соҳасида ижтимоий йўналтирилган ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, тадбиркорлик, хусусий мулк ривожига кенг йўл очиб бериш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилмаларини ташкил этиш масалаларига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Янги иш ўринлари яратиш, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, болалар боғчалари, мактаблар ва олий ўқув юртлири, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёти обод ва фаровон бўлишига эришиш, уни рози қилиш – барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддиларнинг фаолият мезонига айланмоқда.

Албатта, ҳаётимиздаги бундай улкан миқёсдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда миллий парламентиимиз – Олий Мажлис ва унинг юқори палатаси бўлмиш Сенатнинг, сиз, ҳурматли сенаторларимизнинг фаолияти фойда муҳим аҳами-

ятга эга эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентиимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий салоҳиятини амалда намойён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз.

Ёдингизда бўлса, бундан икки йил олдин, яъни, 2017 йил 12 июль кунини сиз, муҳтарам халқ ноиблари билан учрашиб, парламентиимиз фаолиятини бугунги шиддатли даврнинг ўткир талаблари асосида янада такомиллаштириш бўйича энг муҳим вазифаларни белгилаб олган эдик.

Мен яхши эслайман, ўша учрашувда **«Парламентиимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрокиси бўлиши керак»**, деган фикр ўртага қўйилган эди.

Ана шу дастурий ғояни амалга ошириш учун Олий Мажлиса Мурожаатномаларимизда ҳам Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий парламентаризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани сизларга яхши маълум. Бу борада, жумладан, Олий Мажлис палаталарининг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур шароит яратиш, депутатлар ва сенаторлар фаолиятининг моддий-ташқи-

лий таъминотини яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар кўрилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли демократик жараёнларда Сенат томонидан қонун ижодкорлиги билан бирга таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, жойларга чиқиб, аҳолиимизни қийнаётган, безовта қилаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳам қонуний, ҳам амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш юзасидан бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этиш лозим.

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан эътиборан сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан барча муҳим вазифаларимиз қаторида иккита энг асосий масалага алоҳида аҳамият қаратиш ҳақида келишиб олган эдик. Буларнинг **биринчиси – жамиятимизда тинчлик ва оқоилишликни сақлаш бўлса, иккинчиси – аҳолиимизнинг соғлигини муҳофаза қилишдир.**

Ҳаммамиз тушунамиз, **тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир.** Шунинг учун ҳам мана шу икки соҳада биз аҳволни тубдан ўзгартириб, ижобий натижаларга эриша олсак, бутун жамиятимиздаги вазият ва ижтимоий муҳит кескин ўзгаради, мен бунга аминман.

2

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июнь кунини Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадаллашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, Асқар Мамин Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз раҳбарлари даражасидаги мунтазам учрашувлар ва ишончга асосланган мулоқот икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиб, уларни

аниқ амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Илк бор ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссия мажлиси савдо, инвестициялар, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика, туризм ва бошқа йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришнинг самарали механизми экани қайд этилди.

Ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтириш, жумладан, Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасидаги қўшма тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қозоғистон Бош вазири кўп қиррали шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва олий даражада эришилган келишувларни сўзсиз рўйбағичарис борасидаги иштирокини қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

2019 йил 21 июнь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Олий Мажлис Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўллади ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир пайтда бўлиб ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли изчил амалга оширилаётгани, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Президентимиз халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентиимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини амалда намойён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз. Сенатор – бу халқнинг юксак ишончини қозонган вакил, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида хотин-қизлар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёлларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида урғу берди.

Бир нарсани тан олиш керак: аёллар халқнинг дардини бошқалардан кўра чуқур ҳис қилади. Бу йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сай-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот



зорларида танитишга қўмаклашиш, саёҳат индустриясини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Қонунда мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилади. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш, солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, туристик зоналар ва туристик кластерларнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Бу соҳада Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уни рўйбағичарисни мувофиқлаштириш, туристик зоналар, туристик кластерларни ташкил этиш ва уларда туризм соҳаси субъектлари фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, хизматларни сертифицирлаштириш, туристлар ва экскурсантларни сўғурта қилиш, уларга тиббий, ҳуқуқий ҳамда бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш, бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш, меҳмонхона хизматларини, турсераторлар ва турагентлар хизматларини кўрсатиш қондаларини тасдиқлаш каби вазифалар кирради.

Қонун нормаларида туризм соҳаси субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш устуворлиги, туризмни барқарор ривожлантириш ва бунинг учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, туризм соҳасида тадбиркорликини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақобатни ривожлантириш, туризм соҳасида ошкоралик ва очиклик каби асосий принциплар белгиланмоқда.

3

ловларда аёлларимиз қанчалик кўп сайланса, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат наф қўради, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги – Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича кўмита тузишни таклиф этди.

Ялпи мажлисда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Маълумки, 2015 йилдан буён Сенат Раиси бўлиб ишлаб келаётган Нигматилла Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлангани муносабати билан лавозимдан муаддатидан олдин озод этилган эди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига ишлаб келган Танзила Норбоева номзодини таклиф этди.

Юқори палата аъзолари номзод тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Танзила Норбоева билими, тажрибаси, ватанпарварлиги, жамиятдаги обрў-эътибори, инсоний фазилатлари билан ушбу лавозимга муносиблиги, Сенат фаолиятини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш бўйича

Президент нутқида баён этилган устувор вазифаларни амалга оширишга қодир эканини таъкидладилар.

Сенаторлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Танзила Норбоева сайланди.

Танаффусдан сўнг сенаторлар ўз ишини давом эттирдилар ва «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Хужжат туристик фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш, миллий туристик мақсулотни ички ва жаҳон бо-

КўННИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

КўННИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Миллий матбуот марказида Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотнинг (ISO) мамлакатимиз ва халқаро миқёсда олиб бораётган ишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

КўННИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

КўННИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Пойтахтимизда Япониянинг Ўзбекистондаги халқаро ҳамкорлик маркази (JICE) томонидан ташкил этилган «Япония ҳукуматиимизнинг беғараз ёрдам дастури доирасида кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш (JDC)» лойиҳасининг 20 йиллигига бағишланган битирувчилар ассоциацияси учрашуви бўлиб ўтди.

КўННИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан «Ўзбекистон – Афғонистон» дўстлик жамияти кўмагида «Афғонистон XX ва XXI асрлар чорраҳасида: тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатлар ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатлар» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди.

КўННИНГ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Наманган шаҳрида «Келажакни соғлом ёшлар бунёд этади!» шиори остида «Ёшлар – тур» веломарафони бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛЛИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Шу мақсадда биз парламент аъзоларига катта ишонч билдириб, Қонунчилик палатасига – соғлиқни сақлаш соҳасида, Сенатга эса ички ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга оширишда бош-қош бўлишни таклиф этган эдик.

Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгига «**Қонун – устувор, жамиятга жазо муқаррар**», деган юридик тамойилни қарор топтириш борасида эришилаётган ютуқларда Сенат аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Айни вақтда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, жамиятимизнинг барча жаҳдаларини эркинлаштириш, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ ғоят долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини оширишни ҳаётининг ўзи талаб этмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, мен Сенат фаолиятида ўз ечимини кутиб турган бир қатор муҳим масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, Сенатнинг қонунчилик фаолиятида, ишни тўғри ташкил қилишда талаб-чанлик ва жонқуярлик, ташаббускорлик ва ишчилик етишмаётганини қайд этиш лозим.

Мисол учун, 2015-2018 йиллар давомида юқори палата томонидан 140 та қонун маъқуланган бўлса-да, аксарият қонунларнинг маъно-мазмунини Сенатда қўриб чиқилганидан сўнг сезиларли даражада ўзгармаган.

Маълумки, қонунлар муҳокамасининг бошланғич босқичларида миллий ва ҳудудий манфаатлар нуктаи назаридан Сенат аъзоларининг мазкур муҳокамада фаол қатнашишлари талаб этилади. Афсуски, шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятига айрим Сенат аъзоларининг юзаси ёндашиш ҳолатлари учраб туради.

Гарчи Сенат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаса-да, бу ҳол унинг қонунларни такомиллаштириш бўйича таклиф қўрсатишига монелик қилмайди. Тан олиш керакки, бу борада юқори палата вакиллари томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий соҳалардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, қонунчиликни ривожлантиришга оид асосланган таклифларни киритиш масаласи, афсуски, талаб даражасида эмас.

Иккинчидан, Сенатнинг парламент назоратида оид амалдаги ваколатларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани. Ўтган 4 йил давомида Сенат томонидан атиги 10 та парламент сўрови юборилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги шароитда бундай ҳолат бизни албатта қониқтирмайди.

Тўғри, кейинги вақтда Сенат томонидан марказий ва маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганиш юзасидан 131 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган. Аммо мазкур тадбирларнинг натижадорлиги паст бўлиб, уларнинг аксарияти фақат тадбир ўтказиш учун номига ташкил этилмоқда.

Парламент назорати доирасида аниқланган тизимли муаммоларни умумлаштириб, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ, асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари қоникарли эмас. Айниқса, бу борада халқаро ҳуқуқ талабларини ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш, уларнинг илғор юридик тажрибасини қўллаш бўйича ташаббусларни илгари суриш борасида Сенат фаолиятида ўзгариш сезилмапти.

Учинчидан, ҳаммамиз биламизки, Сенат – бу Олий Мажлисининг ҳудудий вакилик палатасидир. Бироқ қонунчилик фаолиятида ҳудудларнинг манфаатларини инобатга олиш, умуман, ҳудудларга оид масалаларни қўриб чиқиш яқин-яқингача эътибордан четда қўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Юқори палата томонидан муайян ҳудудни субвенция (дотация) дан чиқариш бўйича ҳокимнинг ахбороти бирор марта ҳам тингланмаган. Ҳақиқатан 2018 йилда Сенат тарихида илк мартаба тегишли вилоят ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ҳисоботи эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Лекин булар ҳали етарли эмас.

Айни вақтда юқорида зикр этилган парламент эшитувлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг мазмунини асосан ҳокимлик ва маҳаллий давлат идораларига умумий руҳдаги топшириқлар бериш билан чекланиб қолмоқда.

Бу ҳужжатларда ҳар томонлама чуқур тайёрланган, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни ечишга, аҳолининг оғирини енғил қилишга қаратилган аниқ вазифалар ўз инфодасини топмаётти. Шу билан бирга, ушбу қа-

рорлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ишлари ҳам суст олиб борилмоқда.

Тўртинчидан, маълумки, Сенат зиммасига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам юкланган. Ушбу масала бўйича юқори палатамизда махсус комиссия ҳам тузилган.

Мазкур йўналишда дастлаб муайян тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, охириги йилларда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар тизимли асосда олиб борилмаётти. Ваҳоланки, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларининг профессионал савияси ва ҳуқуқий саводхонлиги, уларнинг депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш кўникмалари бугунги кун талаблари даражасида эмас, десак, муволаф бўлмайди. Хусусан, биз келгусида ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эканмиз, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан самарали ҳамкорлиқни ташкил этишдаги роли ва масъулияти янада ортисчи табиий.

Бешинчидан, яна бир муҳим масала – бу Сенатнинг халқаро йўналишдаги фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ.

Барчамизга аёнки, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтариш, фаол ташқи сиёсат олиб бориш соҳасида ҳам Сенатнинг муҳим вазифалари бор.

Бу соҳада Сенат, хусусан, Раиснинг биринчи ўринбосари Содиқ Солиҳович Сафоев томонидан кўпгина ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этишимиз керак.

Катта ҳаётий ва сенаторлик тажрибасига эга С.Сафоев хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўпқиррали ва самарали ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги туб ислохотларнинг маъно-мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказишда жонбозлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида Сенат иштироки ва шафелигида 50 дан зиёд халқаро анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Лекин юқори палатамизнинг халқаро йўналишдаги ишининг натижадорлигига яхлит баҳо берадиган бўлсак, ҳали тўла ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Жумладан, Парламентларо Иттиқоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентларо ассамблеяси ва Ўзбекистон номидан Олий Мажлис аъзо бўлган бошқа халқаро парламент ташкилотлари билан ишлаш стратегиясини белгиладиган, аниқ ва узоқ мuddатли қўлайдиган иш режаларини Сенат белгилаб олиши лозим.

Умуман, парламентларо ҳамкорлик доирасида сенаторларнинг чет элларга расмий ташрифлари олдиндан пухта режалаштирилиши керак, музокаралар доирасида хорижий шериклар билан муҳокамага қўйиладиган масалаларни пишиқ-пухта белгилаб олиш шарт.

Оддий қилиб айтганда, парламентларо ҳамкорликка оид ташрифларга юқори натижадорлик нуктаи назаридан ёндашишнинг вақти-соати келди.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган кўплаб «йўл хариталари» устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳам Сенат фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибиде мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш лозим.

Азиз дўстлар!

Маълумки, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси халқ ҳаётида **Шахс – Оила – Жамият – Давлат** деган тушунча ва қадриятлар ҳал қилувчи ўрин тутади. Жамиятнинг бирламчи ва асосий бўлини бўлган оилани эса муҳтарам аёл сиймосисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан муқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эътиром қўрсатиб келади. **Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор – бу аввало оилага, жамият келажакига бўлган ҳурмат-эътибор инфодасидир.**

Шу нуктаи назардан қараганда, «**Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади**», деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида – 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида – 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фойздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловларда 1 минг 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди.

Юртимиздаги турли қорхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фойзни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фойзга етган.

Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фойздан зиёдини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фойзни, қишлоқ ҳўжалигида 45 фойздан ортқини, саноатда 38 фойзни ташкил этмоқда. Юртимиздаги жами тадбиркорлик субъектлари таркибида тадбиркор аёлларнинг улуши 29 фойздан иборатдир.

Шу ўринда БМТ Бош котиби Антонио Гутерришнинг жорий йил 11-17 март кунлари бўлиб ўтган, мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашган БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида айтган бир фикрини келтирмоқчиман. «**Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустақамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда**», деб таъкидлади А.Гутерриш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

Барчамизни руҳлантириб, янги куч-қувват бағишлайдиган бундай ижобий ўзгаришларга, авваломбор, юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилган салмоқли ишларимиз мустақам пойдевор бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган қисқа даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Албатта, сизлар буларнинг барчасидан яхши хабардорсиз. Шунинг учун мен бу масалага батафсил тўхталиб ўтирмоқчи эмасман.

Энг муҳими, бу устувор йўналиш бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиб келмоқда. Жумладан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шароит яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, «**Ҳар бир оила – тадбиркор**» дастурини амалга ошириш доирасида оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган 12 минг 651 нафар аёлга 1 триллион 235 миллиард сўмдан ортқ кредитлар берилинди. Шу билан бирга, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан кам таъминланган оилаларга мансуб 1 минг 949 нафар опа-сингилларимизга 42 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Кейинги пайтда юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида 1 минг 564 нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойга, балки иш ўринларига ҳам эга бўлиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустақамланиб бораётгани ғоят муҳимдир.

Хабарингиз бор, бугунги кунда «**Беш ижобий ташаббус**» доирасида бошланган ишларимиз тобора кенг тарқалмоқда, халқимиз бу қарақатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини оширишга доир бешинчи ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда тикув-трикотаж қорхоналарини қуриш ва аёллар учун қарийб 57 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳалар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Лекин уларнинг самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Хурматли мажлис қатнашчилари! Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти бўйича ўтказилган охириги ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фойзи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини қайд этган. Ушбу сўровда қатнашган 81,5 фойз респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларга ҳалақат бермайди.

Шу ўринда мени онгимизда чуқур илдиш отган бир ақида кўп ўйлантиради. Биз доимо аёл – бу она, оиламиз бекаси, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо **ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фазл ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.**

Афсуски, биз узоқ вақт бу масалага етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли опа-сингилларимизнинг дард-у ташвишларига бепарво қараб

келганимиз туфайли йиллар давомида тўплаган қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очигини айтиш керак, осон бўлмапти. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муҳтарам опа-сингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз. Чунки, тақрор айтаман, **агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустақам ва барқарор бўлади.**

Сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда ҳурматли аёлларимизнинг ўрни ва нуфузини янада мустақамлаш мақсадида қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, бундан ўн йил олдин Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари таркибида хотин-қизлар миқдори 20 фойздан ортқ эди. Эндиликда бу кўрсаткич юқори палатада – 17 фойзга, қўйи палатада эса – 16 фойзга тушиб қолди. Бу нимадан далолат беради?

Жавоб аниқ: сиёсий партияларимиз ўз сафарига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга етарлича эътибор бермапти. Ваҳоланки, БМТ маълумотларига кўра, парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда ўсиб бормоқда ва 2018 йилда бу кўрсаткич 24,3 фойзни ташкил этган.

Сизларга яхши маълумки, жаҳондаги демократик тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан қўрсатиладиган номзодлар бўйича 30 фойзлик кўра белгиланган.

Юртимизда ўзининг ақл-заковати, қуқур билими, катта ҳаётий тажрибаси, фидокорона меҳнати, инсоний фазилатлари билан ҳаммага ўрн ва намуна бўлиб келаётган опа-сингилларимиз қўллаб-туталади. Бу йил Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда ана шундай сиёсий савияси етук, меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз ўз салоҳиятини намоён этиб, депутат ва сенатор бўлиб сайлансалар, мен ишонаман, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат катта наф қўради.

Парламентта ва маҳаллий Кенгашларга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Шунингдек, давлат бюджети шаклланишида гендер тенглиги масалаларини инобатга олиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, Олий Мажлис тизимида хотин-қизлар масалалари билан бевосита шуғулланадиган бирон-бир қўйма мавжуд эмас.

Тўғри, 2017 йили Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тузилган эди. Бу тузилма неғадир ишламади, унинг Низомида белгиланган вазифалар қорозда қолиб кетди. Оқибатда бугунги кунда оилани мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган муайян бир тузилма Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам йўқ.

Учинчидан, ўтган икки йилда халқаро андозалар талаблари доирасида аёллар аҳволини тубдан яхшилашга доир 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган ва ижрога қаратилган. Аммо қонун ижодкорлари ўзларининг бу борадаги асосий вазифаси билан шуғулланиш ўрнига, ҳали ҳам «хулаб» ўтирибди.

Фазоллик ва ташаббускорлиқни ошириш зарур. Яқин вақт ичида иккита янги қонун, яъни «**Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари қафоллатлари тўғрисида**» ҳамда «**Аёлларни таъин ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида**» ги қонунларни қабул қилишимиз керак.

Тўртинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланмоқда. Лекин 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотдан фақатгина 376 таси аёллар муаммолари билан шуғулланади. Бу етарли эмас, албатта.

Ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмапти. Улар фақат номига йиғилиш ва тадбирлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги аҳволни тубдан яхшилаш учун Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидаги масалаларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Авалло, оилани мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини кучайтириш лозим. Бунинг учун қандай янги қонунлар қабул қилиш, қайси қонунларни ўзгартириш кераклиги ҳақида фуқароларимиз, сайловчилар сиз, ҳурматли сенаторларимиздан аниқ таклиф ва тавсия кутмоқдалар.

Яна бир муҳим масала – аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-ҳунарларини пухта эгаллаши учун шароит

яратиш, уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат.

Навбатдаги долзарб вазифа – аёллар соғлиқини мустақамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишда кўмаклашиш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш билан боғлиқ. Бу борада, айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билим ва касб-ҳунарларга ўргатиш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўбга чиқариш муҳим аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Шулар қаторида бизнинг меҳр-оқибати, оққўнғил аёлларимизга мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш доимий эътиборимиз марказида бўлиши зарур. Бу борада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариш ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Кейинги пайтда тўғри йўлдан адашганларни кечиритиш ва соғлом ҳаётга қайтариш, оила, маҳалла ва жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини мустақамлаш борасида бошланган ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги тузилма – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўйма тузишни таклиф этаман.

Муҳтарам Сенат аъзолари!

Ҳаммангизга маълумки, Ниғматилла Тўлқинович Ўйлодоев 2015 йилдан буюн Сенат Раиси лавозимида ишлаб келди. Шу ўтган давр мобайнида Сенат томонидан эришилган барча ютуқ ва натижаларда унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Мен кеча Н.Ўйлодоевни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қилиб тайинлаш ҳақидаги фармонга имзо чекдим. Шу муносабат билан у Сенат Раиси лавозимидан мuddатидан олдин озод этилди.

Хурматли Ниғматилла Тўлқинович, сизга ушбу масъулиятли вазифада муваффақият тилаймиз.

Хурматли сенаторлар!

Энди Сенатнинг янги Раисини сайлаб олишимиз керак. Бу лавозим етасига қандай юксак талаблар қўйилишини барчамиз албатта яхши тушунамиз.

Сенат Раиси, аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунадиган, ижтимоий ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, оила, жамият ва давлат институтларини ўзаро уйғун ривожлантиришга билим ва салоҳияти, ҳуқуқий тафаккури етадиган, катта ташкилотчилик қобилиятига эга, Сенат фаолиятини бугунги янги талаблар даражасида ташкил этишга қодир шахс бўлиши керак.

Биз бу борада кўп фикрлашдик, жаҳон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

Бундан ташқари, Қонунда халқаро ва ички туризм шакллари, шунингдек, маданий-тарихий, зўрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм каби саёҳат турлари мустаҳкамланмоқда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат но-тижорат ташкилотларининг туризм соҳаси тад-бирларидаги иштироки механизми бел-гиланмоқда, улар туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, жамоатчилик назорати, бу соҳада тақдирлар ки-ришти, давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

Ушбу ҳужжат мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни риво-жлантиришга, пировардида, аҳоли турмуш да-ражаси ва сифатини оширишга қўмаклашиши қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъ-қулланди.

Шундан сўнг сенаторлар «Шахсга доир маъ-лумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-каси Қонунини қўриб чиқдилар. Таъкидлангани-дек, бугунги кунда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш долзарб масаладир ва бу нафақат интернет технологияларининг шиддат билан ривожланиши ва умуман глобаллашув, балки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ. Қонун шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш чоғида қўлланиладиган воситаларидан, шу жумладан, ахборот техноло-гияларидан қатъи назар, юзага келадиган муно-сабатларга нисбатан таъбиқ этилади.

Инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шахсга доир маъ-лумотларга ишлов бериш мақсадлари ва усул-ларининг қонунийлиги, шахсга доир маълумот-ларнинг аниқлиги ва ишончлилиги, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоя қи-линганлиги, субъектлар, мулкдорлар ва опера-торлар ҳуқуқларининг тенглиги, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳавфсизлиги асосий принци-плар сифатида мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, Қонунда давлат органлари-нинг бу соҳадаги ваколатлари белгиланмоқда. Хусусан, Вазирилар Маҳкамаси давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, давлат да-стурларини тасдиқлайди, Шахсга доир маълу-мотлар базаларининг давлат реестрини юритиш ва давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш тарти-бини белгилайди, тегишли органларнинг фаоли-ятини мувофиқлаштиришда, шахсга доир маълу-мотларга ишлов берилаётганда ушбу маълумот-ларнинг ҳимоя қилинганлиги даражасини, улар ҳимоясини таъминлайдиган талабларни, био-метрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўл-ган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумот-ларни шахсга доир маълумотлардан ташқарида сақлаш технологияларига оид талабларни бел-гилайди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат пер-соналлаштириш маркази давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ишти-рок этади, шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг ҳамда мулкдорнинг ва оператор-нинг шахсга доир маълумотларга ишлов бери-лишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи таркибий бўлинмаси ёки вако-латли вакили фаолиятини ташкил этишининг на-мунавий тартибини тасдиқлайди, шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритишда, шахсга доир маълумотлар базаси-нинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳ-нома беради, давлат назоратини амалга оши-ради, норматив-ҳуқуқий базани тақомиллашти-риш юзасидан тақдирлар киритади, шахсга доир маълумотларнинг зарур ҳимоя қилинган-лиги даражасини белгилайди, ишлов берила-диган шахсга доир маълумотларнинг ҳажми ва мазмунини, фаолият турини, шахсга доир маъ-лумотлар хавфсизлигига бўлган таҳдидларнинг ҳақиқийлигини таҳлил қилади, қонун ҳужжатла-рининг бузилишларини бартараф қилиш ҳақида кўрсатмалар киритади.

Шу билан бирга, Қонунда шахсга доир маъ-лумотларни ҳимоя қилиш механизмлари му-стаҳкамланмоқда, у шахсга доир маълумот-ларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва техник чоралар кўришни назарда тутди. Бу субъектнинг ўз шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шахсга доир маълумотларнинг охирилигини ва бут сакланишини, шахсга доир маълумотлар-нинг махфийлигига риоя этилишини, шахсга доир маълумотларга қонунга ҳилоф равишда ишлов берилишининг олди олинишини таъмин-лайди. Қонунда бундай маълумотларнинг мах-фийлиги, уларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларига киритиш учун субъектнинг ёзма розилигини олиш, шунингдек, субъектнинг шахсга доир маълумотларини ҳамма фойдала-ниши мумкин бўлган манбалардан унинг муро-жаатига қўра чиқариб ташлаш таъминланмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент аъзолари «Ўзбекистон Республи-касининг Ўзбекистон Республикасида»ги Ўзбеки-стон Республикаси Қонунини муҳокама қилди-лар. Қонунда Ўзбекистон Республикасининг давлат тақ-сиди ва молиявий назоратининг олий органи сифатида ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмоқда.

Давлат бюджетни лойиҳаси параметрларини шакллантириш тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари бил-лан таъминланганлиги айтилиши амалга оши-риш, шунингдек, бюджет маблағлари тўшу-м-ларининг тўлиқлигини ўрганиш ҳамда назорат қилиш, Давлат бюджетни даромадларини кўпай-тириш заҳираларини аниқлаш ва сафарбар қи-

лиш, амалга оширилаётган бюджет харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни камайтириш имкони-ятларини аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ма-благлари ва давлат томонидан маблаг жалб қи-лиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвести-ция лойиҳаларини баҳолайди, солиқ, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга, бюджетни режалашти-ришнинг замонавий усуллари жорий этишга доир тақдирлар киритади, республика бюджетни ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбат-нинг мақбуллигини баҳолайди, Президент ҳуж-жатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилади, пул-кредит ва валюта сиёсатини, мамла-кат активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта заҳираларининг бошқарилишини, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва тошлар бил-лан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасининг асосий прин-циплари қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиклик ва шаффофликдан иборатдир. Бун-дан ташқари, Қонун нормаларида Ўзбекистон па-латасининг давлат органлари ва бошқа ташкилот-лар билан ҳамкорлиги механизми белгилан-моқда, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш, мансабдор шахсларни ҳуқуқий ва ижти-моий ҳимоя қилиш масалалари, шу жумладан, Ўзбекистон палатаси ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари, Ўзбекистон палатаси мансабдор шахсларини моддий ва ижтимоий таъминлаш, Ўзбекистон палатасини молиявий ва моддий-техник таъминлаш масалалари тартибга солинмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари «Қурол тўғриси-да»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Ҳужжат давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосда эгалик қи-лаётган ва фойдаланаётган қурол муомаласини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Ҳужжатда қонунийлик, фуқаролар-нинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳи-моя қилиш устуворлиги, халқаро мажбурият-ларнинг виждонан бажарилиши, ахборотнинг ошқоралиги ҳамда ундан фойдалана олиш каби қурол муомаласининг асосий принциплари бел-гиланмоқда.

Қонунда қурол турлари таснифланмоқда ва у фуқаровий қурол, хизмат қуроли ҳамда жан-говар қуролдан иборат. Фуқаровий қурол ов қуроли, спорт қуроли ва ўзини ўзи ҳимоя қи-лиш қуролига бўлинади. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, та-биатни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вази-фаларни бажариш чоғида қилишда шахсларнинг ходимлари томонидан, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан шахсий хавфсизлигини таъ-минлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжал-ланган қурол хизмат қуроли жумласига киради. Мудофаа вазирилик, Ички ишлар вазирилик, Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа тузилма-лар томонидан қўлланиладиган, жанговар хара-катларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифала-рини бажариш учун мўлжалланган қурол жан-говар қурол ҳисобланади.

Шунингдек, Қонунда қуроли ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган субъ-ектлар рўйхати белгиланган. Махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар, махсус хизмат вазифаларига эга бўлган, қурол ишлаб чиқариш ва уни реали-зация қилиш, овчилик ва отиш спорт соҳаси-даги фаолият билан шугулланадиган юридик шахслар, қуроли коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шугулланадиган юридик ва жисмо-ний шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаро-лари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ана шу рўйхатга киради.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикаси-нинг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбе-кистон Республикаси Қонунини муҳокама этилди. Қайд этилишича, Жиноят кодексига ва Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик жорий этишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Жиноят кодексига ва Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига махсус ҳимоя қилиш ҳуқуқини, меҳнатни муҳофаза қи-лиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жа-вобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўз-гаришлар киритилмоқда. Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатла-рини, вояга етмаганлар меҳнатидан фойдала-ниш мумкин эмаслиги тўғрисидаги талабларни бузганлик, иш берувчининг фуқаролик жавоб-гарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғриси-даги қонун ҳужжатлари талабларини бажар-маганлик, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик, ҳо-миладорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлаш мажбуриятидан бўйин товлаганлик учун маъму-рий жавобгарликни кучайтириш назарда тутил-моқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чет элдан иш кучини жалб қилиш ва ундан фой-даланиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларини бузганлик, меҳнат қилишга маъмурий йўллар билан мажбурлаганлик ва бўш иш ўри-ларини бекитганлик учун ҳам маъмурий жавоб-гарлик кучайтирилди. Қонун сенаторлар томо-нидан маъқулланди.

Сўнгра парламент юқори палатаси аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нини қўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсиз-лигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини туб-дан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2940-сонли қаро-рининг 10-бандига мувофиқ Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига ов ва спортга мўлжал-ланган ўқотар қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилар-ини, шунингдек, совуқ қуроли (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш ўрнига фуқа-ровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дори-ларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реали-зация қилишдан иборат янги фаолият тури ки-ритилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа ор-ганлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорли-гини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 12 мартдаги қарорининг 11-бандига му-вофиқ «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳуж-жатларини ижро этиш тўғрисида»ги ҳамда «Ме-диация тўғрисида»ги қонунларга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомиллари ундирувчининг аризаси бўйича 15 кундан кўп бўлмаган муддатга ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади. Ундирувчи ва қардор ўртасида ижро предмети юзасидан битими эришилма-ганда, шунингдек, томонлардан бири медиация-давом эттиришдан воз кечганда ёки уни амалга ошириш муддати тугаганда ижро ишини юритиш давлат ижросис томонидан қайтадан бошла-нади.

Мутахассис давлат ижросис қарори билан танишган кундан бошлаб 15 иш кунини ичида ёзма хулоса тақдим этиши шартлигини назарда ту-тувчи ўзгаришлар ҳам киритилмоқда. Кирити-лаётган ўзгаришга қўра ижро ҳужжатларига ун-дирувчининг ёки қардорнинг электрон почтаси ёки мобил телефонининг рақами (агар улар суд-да ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга (мансабдор шахсга) тақдим этилган бўлса) мав-жуд бўлган тақдирда, ижро ишини юритишни қўзғатиш тўғрисидаги хабарнома унинг жўна-тилганлиги ва қабул қилиниб олинганлиги факт-ларини қайд этиш имконини берувчи махсус ав-томатлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёхуд мобил алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) тарзида юборилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари «Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённо-мани (Женева, 1914 йил 11 июни) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-нунини қўриб чиқдилар. Қонун билан Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (бундан буён матнда Баённома деб юритилади) ратификация қилиш назарда тутил-моқда. Унга қўра ХМТнинг ҳар бир аъзоси Кон-венциядан келиб чиқадиган ўз мажбуриятла-рини ижро этиш мақсадида мажбурий меҳнат хавфининг олдини олишга, мажбурий меҳнат хавфини оширадиган омилларни аниқлашга, иш берувчилар мажбурий меҳнат амалиётида иштирок этишининг олдини олиш учун уларни ўқитиш ва хабардор қилишга қаратилган фаол сазй-харакатлар олиб боради.

Баённомани 30 та давлат, шу жумладан, Буюк Британия, Норвегия, Финляндия, Франция, Че-хия, Испания, Нидерландия, Исроил, Россия, ра-тификация қилганлиги қайд этилди. Баённома-нинг мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисидаги қоидалари Конституцияда (37-модда), Меҳнат кодексига (7-модда), Жиноят кодексига, Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда, бир қатор қонунлар ва Ҳукумат қарорларида акс эт-ганилиги таъкидланди.

Парламент аъзоларининг фикрича, ушбу Ба-ённоманинг ратификация қилиниши мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, бунга мажбур қилин-ганларни ҳимоя қилиш ва ҳимоя воситаларидан фойдаланишни таъминлаш бўйича янги мажбу-риятларни белгиланган ҳолда халқаро-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шунингдек, ХМТ билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий ими-жини шакллантириш, мажбурий меҳнатга ду-чор қилинганлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ривожланган мамла-катлар тажрибасини ўрганиш ҳамда халқаро ҳуқуқни ҳимоя қиливчи ташкилотлар билан амал-ий ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқул-ланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан На-воий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана ту-мани қергаларини ўзгартириш тўғрисидаги ма-сала қўриб чиқилди.

Бу масала биринчи навбатда ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожланти-ришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Жумладан, Кармана туманидан ажратилаётган ҳудудда қариб 7 минг киши истиқомат қилади.

Навоий шаҳри ҳудудининг чекланганлиги зарур ҳажмида қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш имконини бермайдди. Шу сабабли кўп қаватли уйлар, спорт иншоотлари ва ижтимоий объектлар майдони 144 гектардан ортқ Кар-мана тумани ҳудудининг бир қисмида қурил-

моқда. Бироқ бу шаҳар коммуникацияларига уланиш имкониятини қийинлаштирмоқда. Шу муносабат билан Кармана тумани Барқ ва Ёшлик маҳаллаларининг 1097,58 гектар ерини Навоий шаҳри таркибига ўтказиш назарда тутилмоқда. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъ-золари Сирдарё вилояти ҳокимининг ҳудуд-ларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти тўғрисидаги ҳи-сobotини эшитдилар.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 2018 йилда 8,2 триллион сўмни, 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,1 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди. 2019 йилнинг биринчи чорағида ЯҲМ 1,8 триллион сўмни, ўтган йилнинг ўша даврига нисбатан ўсиш суръати эса 102,6 фо-изга етди. Саноат маҳсулотларини чиқариш ҳа-жми 1673,4 миллиард сўмни ташкил этди ва ўша даврга нисбатан 100,5 фоизга ўсди. Вилоятнинг асосий капитални кўпайтириш учун 519,8 мил-лиард сўмлик инвестициялар киритилди. Иқти-содий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳа-жми 543,2 миллиард сўмни, 2018 йилга нисба-тан ўсиш 118,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисobotни эшитишда Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2019 йил 19 февраль кунин Сирдарё вилоятига таширифи чоғида бер-ган топшириқлари ижросига, жумладан, вило-ятнинг Ховос туман марказини комплекс ри-вожлантириш чора-тадбирларига асосий ургу берилди. Хозирги вақтда Ховос шаҳарчаси мар-казини қуриш ишлари амалга оширилаётган-лиги қайд этилди. Жумладан, 240 та кварта-рга мўлжалланган арзон нархларда 10 та беш қа-ватли уй қуриш ишлари юқори суръатлар билан олиб бориламоқда. Бундан ташқари, 100 та уй қу-риш учун ер майдонлари ажратилди, қурилиш ишлари бошланди.

Шу билан бирга, Сирдарё вилоятида ҳудуд-ларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари иши самарадорлигини оширишга салбий таъсир вазирларан муаммо ва камчиликлар мавжуд. Қўриб чиқилган ва идораларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга комплекс ёндашилмаслиги туфайли бу маса-лалар долзарблигини йўқотмапти. Жумладан, электр билан таъминловчи қорхоналар диспет-черик пунктларининг махсус техника билан таъминланганлик даражаси 40-45 фоизни таш-кил этиши, бу эса тегишли хизматлар сифатини таъминлаш учун етарли эмаслиги қайд этилди.

Муҳокама чоғида вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳудуд бўйича бу кўрсаткич атиги 65,6 фоизни ташкил этиши таъкидланди. Аслида, бу кўрсаткични шу йилнинг ўзида 86,1 фоизгача ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун барча режалаштирилган ишлар аниқ ва сифатли бажарилиши керак. Муҳокама ақун-лари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин ялпи мажлис иштирокчилари истиқболли туризм йўналишида Ўзбекистон халқаро имижини ошириш чоралари тўғри-сида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳқа-масига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мамлакатимизга саёҳат қилишни хоҳловчи-лар оқимини оширишда жаҳон ҳамжамиятини мамлакатимизда меҳмонлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлардан тўри бари-дор қилиш муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Бироқ ҳоржий мамлакатлар ташқи сиё-сий идораларининг расмий тавсияларида Ўзбе-кистон ҳақида ноҳолис ва эскирган маълумотлар берилаётганлиги туфайли бу соҳада ижобий ўзгаришлар сезилмапти. Шу муносабат билан тегишли парламент сўровини юбориш зару-рати юзага келди. Масала сенаторлар томони-дан маъқулланди.

Шунингдек, парламент аъзолари Ички ишлар вазирилик академик лицейларида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати тўғрисида Ўзбеки-стон Республикаси Вазирилар Маҳкамасига пар-ламент сўрови юбориш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар фуқароларнинг кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, мулк ҳуқуқини расмийлаштириш ва уларни со-лиққа тортишга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амали-ёти тўғрисида, қишлоқ ҳўжалигида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда мазкур соҳадаги норасмий бандлик масалалари юзаси-дан, мамлакатда имконияти чекланган ёшлар-нинг таълим олиши учун яратилган шарт-ша-роитлар ҳақида, умумтаълим мактаблари дарс-ликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги тўғрисида аввал юбо-рилган парламент сўровлари натижаларини кўриб чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Се-натнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида 18 та масала, шу жумладан, 7 та қо-нун кўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбе-кистон Республикаси қонунлари жамиятнинг барча соҳаларида ҳуқуқий асосларнинг янада мустаҳкамланишини ва ислохотлар ҳамда ўзга-ришларнинг изчил амалга оширилишини таъ-минлашга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини аяқулади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

«Ishonch» кўзгусида

Фарғона
вилояти

«Инновацион марказ» иш бошлади

Давлатимиз раҳбари илгари сўрган беш муҳим ташаббусни ҳаётга кенг жорий этиш мақса-дида Фарғона давлат универ-ситетига талаба-ёшлар учун «Инновацион марказ» ташкил этилди. Бу ерда 20 та янги иш ўрни яратилди.

Марказ ёшлар маънавиятини юксал-тириш, истеъдодини юзага чиқариш ва қўшимча хунар эгаллашига имкон яра-тади. Айни вақтда кулчилик, тўқи-мачилик, чилангарлик, дурадорлик, металл кесиш ҳамда чеварчилик йўна-лишлари фаолият бошлади.

Янги уйлар муборака

Фарғона шаҳрининг Нурафшон кўчасида ҳарбий хизматчилар учун барпо этилган 30 хонадон-дан иборат 4 та кўп қаватли уй-фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирга таширф буюрганлар янги хонадонларда яратилган шароит-лар билан яқиндан танишишди.

Янги уйлар ҳудудида болалар май-дончаси, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари қад ростлагани ҳам қар-бийларга катта қулайлик яратмоқда.

Замонавий туғуруқ мажмуаси

Учкўприк тумани тиббиёт бир-лашмаси тасарруфидида туғу-руқ мажмуасида 4 милли-ард сўмликдан зиёд капитал таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилди.

Кўркам қиёфа касб этган туғуруқ мажмуаси УЗИ-диагностика, ташхис қўйиш ва даволаш жиҳозлари билан таъминланди.

Энг яхши совға

«UZSUNGWOO» МЧЖ маъмури-яти ва касаба уюшма қўмитаси томо-нидан Фарғона шаҳридаги 4-вилоят иختисослаштирилган давлат умумтаъ-лим мактаб-интернатига «Дунё-нинг ишлари», «Жаннат одамлар», «Мунгли кўзлар», «Темир тузуқлари», «Элимда алёрим қолур», «Оқ кема», «Улугбек ҳазинаси», «Қобуснома» син-гари кўплаб ноёб китоблар тўплами совға қилинди.

Жамшид ЭРТАШЕВ,
«ISHONCH»

Саёҳат

Кўхна кентда икки кун

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кен-таши ҳамда АТИБ «Ипотека банк» вило-ят филиали касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида 55 нафар фаол ишчи-хо-дим иштирокида Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Саёҳатчилар Биринчи Прези-дентимиз Ислам Каримов қабрини, шунингдек, «Шохи Зинда», «Имом ал-Бухорий», «Хўжа Дониёр», «Гўри Амир»зиёратгоҳлари, Улугбек расад-хонаси, Улугбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари ҳамда шаҳардаги бошқа тарихий обидаларни зиёрат қилишди.

Фаолларнинг Самарқанд вилоятида жойлашган «Оқ бўйро» дам олиш ма-сканига «Экотуризм» йўналиши бўйича саёҳати ҳам мароқли кечди.

Шариб ЖўРАЕВ,
АТИБ «Ипотека банк» Бухоро вилояти филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

Инсон организмидаги бириктирувчи тўқимага эга аъзолар шикастланиши оқибатида юзага келадиган ревматизм касаллиги узоқ тарихга эга. Мазкур хасталик насл суриш хусусиятига ҳам эга.



нини аниқ билишнинг имкони йўқлиги, айниқса, ташвишлидир. Эркаларга нисбатан аёлларда кўп учрайдиган бу касаллик 3 ёшгача бўлган болаларда деярли кузатилмайди. Турли маълумотларга кўра, сурункали тонзиллит (ангина) билан хасталанган беморларнинг 30 фоизда ревматизм касаллиги келиб чиқади. Ревматизмга чалинган беморларнинг 60-100 фоизда бўғим оғриқлари тизза, болдир, товон, тирсак ва елка бўғимларида кўчиб юради. Касалликда энг кўп зарарланган аъзо бу 90-95 фоизга қадар юрак ҳисобланади. Беморларнинг баъзиларида юрак уришининг секинлашиши ёки тезлашиши, кўп терлаш, ҳансираш, холсизлик кузатилади. Агар ўз вақтида муолажа қилинмаса, бу ҳолат ногиронликка олиб келиши мумкин.

Юракнинг яширин душмани

ёхуд ревматизмнинг шифоси борми?



Машхура РИЗОМУХАММЕДОВА,
Тошкент тиббиёт академияси негизидagi Республика ревматология маркази раҳбари

КАСАЛЛИК САБАБИ НИМАДА?

Ёш танламайдиган бу хасталикда юрак, кон-томир ва бўғимлар зарарланади. Бу эса, асосан, катта ёшдаги аҳоли орасида меҳнатга қобилиятсизларнинг ортишига сабаб бўлади. Болаларда юракнинг шикастланиши билан кечадиган касалликлар орасида ревматизм юқори ўринни эгаллашди, айниқса, ачинарли ҳолдир.

Ҳозирга қадар дунё бўйича қатор ревматик

касаликларни келтириб чиқарувчи сабаблар номаълум бўлиб қолмоқда. Буларга ревматоид артрит, тизимли қизил бўрича, Бехтерев касаллигини мисол сифатида келтириш мумкин. Аксарият ревматик касалликлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, энг ёмони, улар эрта ногиронликка олиб келади. Кейинги пайтларда олимлар замонавий даволаш усуллари орқали ушбу турдаги касалликларнинг тез ривожланиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда. Бунда беморларнинг шифокорга эрта мурожаат қилиши бирламчи шартлардандир. Ўртимизда ревматик касалликларнинг пайдо бўлишига совуқда қолиш, ирсий мойиллик, ортиқча вазн, нотўғри овқатланиш, пойабзални нотўғри танлаш каби бир қанча сабаблар борлиги аниқланган.

ЧАҚИРИЛМАГАН «МЕХМОН» БЕЛГИЛАРИ

Ушбу хасталик билан оғриган беморлар со-

Ревматизмга чалинган беморларнинг 60-100 фоизда бўғим оғриқлари тизза, болдир, товон, тирсак ва елка бўғимларида кўчиб юради. Касалликда энг кўп зарарланган аъзо бу 90-95 фоизга қадар юрак ҳисобланади.

Инсон юзидан турли ихтиёрсиз ҳаракатлар пайдо бўлиши (кўз учини, қовоқнинг ихтиёрсиз равишда юмилиб очилиши), бўғимларда эса ҳаракатнинг чекланиши, айрим ҳолларда бўғимларнинг қийшайиши каби ҳолатлар ҳам ревматизм аломатлари бўлиб, булар ҳам охир оқибатда ногиронликка олиб келади.

БОЛАЛАРНИ ЭХТИЁТ ҚИЛИНГ!

Сурункали тонзиллит, яъни томоқнинг тез-тез оғриб, яллиғланишига дучор бўлган бо-

Тиббиёт бекати

лаларда ангина касаллигидан сўнг ревматизм бошланиши мумкин. Касаллик болаларда катталарга нисбатан анча ўткир ва оғир шаклда кечиби, қайталанишларга мойил бўлади ҳамда, кўпинча, юракнинг кескин шикастланиши кўринишида кечади. Ревматизм билан асосан мактаб ёшидаги болалар оғрийди. Бола ёши қанча кичик бўлса, касаллик шунча ўткир, оғир ва тарқалган шаклда учрайди. Бундай болалар юрак орттирилган нуқсонларининг ривожланишига ва бошқа хасталикларга мойил бўлади. Яна шунини ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, болаларда ревматизм яширин, ревматик жараённинг ривожланиши ва қайталама ревматизмнинг клиник синдромлари кечик даврига бўлилади.

Эслашиб ўтамиз, энг тўғри ташхисни шифокор-терапевт ёки ревматолог аниқлай олади. Касалликка ўз вақтида ташхис қўйилса ва тўғри даво қоралари кўрилса, хасталик, албатта, чекинади.

ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

«Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул», деган нақл бежиз айтилмаган. Ревматизмни ҳам табиий усуллар билан даволаш мумкин. Маъданли сувлар, шифобахш гиёҳлар, физиотерапевтик муолажалар бунга тўлиқ имкон беради. Касалликнинг оғир (ўткир) босқичида бемор касалхонада даволаниши шарт. Бунда шифокор назорати алоҳида аҳамиятга эга. Лекин касаллик турли нуқсонларни келтириб чиқарса, унда бир умр шифокор назоратида даво муолажаларини қабул қилишга тўғри келади.

Дуо яхши, амал ундан-да яхши.

Одатда ёши улугларимиз дуо учун қўл очиб, тўрт мучамиз саломатлигини тилашадилар. Бу тилакнинг амалга ошиши эса ўз қўлимизда. Бинобарин, саломатлигинизга эътибор – келажакда эътибор эканини асло унутманг!

Мулоҳаза

Яқинда шундай хабар тарқалди. 27 ёшли келин ўз қайнотасини пичоқлаб ўлдирди. Воқеа тафсилотларига кўра, келин вилоят марказидаги кафелардан бирига ҳамқишлоқ аёллар билан зиёфатга борган. Шу ерда ичиб, сархуш ҳолда уйга келган. Қайнона ва турмуш ўртоғи «Нега ичдинг?» деб сўроқлаб турганида, кайфи тароқ ҳолда уйга кириб келган қайнота ҳам жанжалга аралашган. Келинга қайнотанинг ҳақоратлари оғир ботиб, унга пичоқ санчган...

ИЛЛАТ БИЛМАЙ ҚЎЙДИКМИ?

Воқеани таҳлил қилган мутасаддиларнинг айтишича, оила аъзоларининг барчаси ишсиз бўлган. Лекин фожиянинг сабабини фақат ишсизлик билан боғлаш тўғримикин? Келин «чёрный касс» (пуллик гап) уйнаса, қайнота қаердадир ичиб келса, демаски, бу оиланинг иқтисодий аҳволи у қадар ёмон эмас? Оила аъзолари расман ишсиз саналса-да, даромад манбаига эгалиги аниқ. Назаримизда, бу фожиа оила маънавияти емирлигини оқибатида рўй берган. Кўза кунда эмас, кундагина синдириб қолган, йиллар давомида шаклланган ахлоқсизлик оилани парокандаликка олиб келди, шармандаи шармисор қилди.

Бундай хунрезлик бошқа хонадонларда тақдорланмаслиги учун нималар қилиш керак?

Оила аъзолари келиннинг «гап»га борганига эмас, уйга маст бўлиб келганига эътироз билдиришган. Ўйлаб қолсан киши: у билан борган қишлоқдаги нечта аёл шу кунни уйига шу аҳволда кириб келди экан?

Бундан беш-ўн йил муқаддам ота ва ўғилнинг бирга спиртли ичимлик ичишини иллат сифатида қабул қиларди. Бугун эса қайнота ва келин, қайнона ва кўёв, она ва бола бирга шароб сипқораяпти. Энг ёмони, буни оддий қабул қиляпмиз. Асл фожиянинг илдириши ҳам мана шунда эмасми?

«ГАП»ДАН ЧИҚАЁТГАН ГАПЛАР

– Кейинги пайтларда хотин-халаж ўртасида «гап» уйнаш урф бўлган. Кафеларнинг аксариятида аёллар. Яқинда пойтахтдан келган меҳмон билан машхур ресторани боргандик. Ажабо, ўриндиқларнинг 90 фоизини аёллар банд қилган.

Аслида, гап-гаштакнинг ёмон жойи йўқ. Бир-бири билан дийдорлашиш, қўлини дилини очиш, ҳазил-хузул қилиш кайфиятини кўтарди, инсонларни бир-бирига яқинлаштирди, дўстлар сафини кенгайтирди.

Муаммо меъёрни унутётганимиз, маишатпарастликни одат қилаётганимиз, энгил турмушга ружу қўяётганимизда. «Фалончи 500 минг сўмдан гап уйнапти, менинг ундан нимама кам?», «Фалончи маҳалланинг келинлари ҳар ҳафтада вилоят марказидаги рестораниларда дам олиб келишаркан, нега биз бормаслигимиз керак?». Бу гаплари биз ҳоқисор, камтар, деб ҳисоблайдиган чечка қишлоқ аёллари айтаяпти. Ҳар гапга янги қўйлаб кийиб бориш, ундан олдин гўзаллик салонида бирров бош суқиб чиқишга

Ҳикмат

Хотунлари тарбияли бўлган халқ – тарбияли-ю, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ бой-у, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир.

Ризоуддин ибн Фахруддин

тўғри келишини ҳисобга олсак, гап-гаштаклар оилага арзона тўшмаётгани аниқлашади. «Дунёга бир марта келсан, яйраб қолиш керак» қабилидаги ёндашувлар бизни масъулиятсиз ва оқибатсиз кимсаларга айлантириб қўймаптими?

23 яшар кўёв 21 ёшли келинни уриб, тан жароҳати етказгани учун қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Оила ажрашди. Икки ойлик қақалоқ тирик етим бўлиб қолди. Сабаблари ўрганилганда, келинчақнинг тили ёмонлиги маълум бўлди. У турмуш ўртоғининг



битта гапига ўнтани кўндириб, сира муросага келишни истамас экан.

Бундай аёллар сони кўпайса, қўпаймоқдаки, камаймаяпти. Айрим замонавий келинчақлар нафақат турмуш ўртоғи, балки қайнона-қайнотасини ҳам жеркиб ташлаш ҳам бор гап. Қўни-қўшнилари билан-ку соатлаб айтишиши мумкин. Ундан ибрат олган болалар мактабда муаллимга баланд келади. Кўча-кўйда атрофдагиларга таҳдид қилади. Бозорга бориб қолсангиз-ку, бир-бирини шармсиз сўзлар билан сийлаётган қанчадан-қанча аёлларни учратасиз. Энди бундайлар давлат идораларига ҳам суқилиб кирмоқда. Ўз муаммоларини шаллақилик, бақир-чақир билан ҳал қилишга уринаётганлар кўпаяётганлигини айтмай-сизми?

Момоларимиз, бувиларимиз ҳар доим оғир-босиқ бўлишни маслаҳат беришадилар. Бир гапдан қолиш билан қатор муаммоларнинг олдини олиш мумкинлигини ўқтиришадилар. Улар минг қарра ҳақ, Фақат биз момоларимиздан етарлича ибрат ололмаямиз. Аллақайси хорижий сериалларни ўзимизга намуна билиямиз. Ҳарб аёлларига кўр-кўрона тақдид қиляпмиз. Бу эса бизни ўзлимиздан узоқлаштирмоқда.

ОИЛАДА ОТАНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Бугун бу саволга, очиги, ўйланиб қоласиз. Кўрапмизки, баъзи оилаларда ота ўрни, ҳурмати йўқолиб бўлган? Аёлининг ёмонлиги туфайли шу қўйга тушганим ё ўзининг бебурдлигиданми?

Аслида, оналар фарзандларини одобли қилиб тарбиялашлари, улар олдида отанинг обрўини кўтариш орқали оилада мўътадил «иклим»ни сақлаб туришлари лозим. Ё «Отанга айтиб бераман», деган биргина пўписа онанинг ўз тилидан айтиладиган

ўнган танбеҳидан таъсирчанроқ эканлигини фаромуш этдикми? «Секин гапир, отанг эшитиб қолади» ибораси фарзандларда ота олдида, кейинчалик катталар олдида одоб-ахлоқ сақлаш кўникмасини шакллантириши керак эмасми?

«Отангдан сўраб кўрай-чи, нима дер экан?» Аксарият оналардан фарзандлар нимадир сўраса, шу тахлит жавоб қайтаришадилар. Ҳатто оддий нарс бўлса-да, ўз-ўзидан «хўп» дейишмайди. Бу ҳам ота оиланинг устуни эканлигини аниқлаб туради. Устуни уй эса беҳавотирдир.

Айрим оналар луғатида тез-тез тилга олинадиган «Отанга ўхшаган аҳмоқ бўлма», «Отанга ўхшаган латта бўлма», «Отанга ўхшаб текинтомоқ бўлиб қолма», «Отангнинг аҳволини кўр, ичиб келиб сасиб ётибди» каби таъкидлар аслида бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Отасига нафрат уйғотади. Шундай бола онасини ҳам ҳурмат қилмаслиги аниқ. Афсуски, аёлларимиз масаланинг бу жиҳатини инобатга олмаётганлар. Ваҳоланки, оқила аёллар маст ҳолда келган эрларини болаларидан пана қилишадилар. Болалар беҳос бу манзарга гувоҳ бўлишса ҳам, «Жуда яқин оғайини бури билан ўтиришибди, йўқса отанг ичмайди-ку» деб уни оқлашадилар. Ҳатто уйга ҳар кун маст-аласт келадиган турмуш ўртоқларини оқлайдиганлар ҳам бор: «Дадангнинг иши оғир», «Докторлар ҳам бунга рухсат беришган». Гарчи, бундай оқлашлар муаммога ечим бўлмаса-да, фарзанд тарбиясида, оилада аҳиллиқни сақлаб туришда муҳим ўринга эга.

НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Аёллар маънавияти, фарзанд тарбияси, жиноятчилик, зарarli одатлар ҳақида кўп гапирлиши, ёзилишига қарамасдан, муаммолар бар-тафат қилинмаяпти. Нега шундай?

Юқорида тилга олинган каби қотилликлар, мудҳиш жиноятлар содир қилинган паллада ҳаммамиз бир қалқиб оламиз. Ҳуқуқ-тартибот органлари, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари – ҳамма-ҳамма ўзича сабаб кўрсатади: аҳолининг ҳуқуқий маданияти паст, одамлар ишсиз, иқтисодий муаммолар юзага келган, тарбияда мўртлик бор ва ҳоказо.

Мавзу бўйича жойларга чиқиб бир-иккита давра суҳбати ўтказган бўламиз. Ваҳоланки, бу билан масалага ечим тополмай-миз. Биринчи, бироз вақт ўтгач, навбатдаги хунук воқеа юз беради.

Кенг жамоатчилик, ҳамма-ҳамма биргаликда ҳаракат қилмас экан, маънавиятни йўқлатиш ҳақида ўйламасак ҳам бўлади. Тарбия масаласи узвийлик касб этмагунга қадар қутулган ҳал қилиш керак, деган қараш нотўғри. Қўни-қўшини, маҳалла-қўй биргаликда муаммоларга ечим топишимиз керак. Қўшимизнинг уйида жанжал овози эшитилса, эшитмагунга олсак, маҳалламизда ёш қиз ёмон йўлга кириб бораётганини кўриб, кўрмаганга олсак, сига-рет чекиб, пиво ичиб ўтирган ўспириннинг ёнидан бефарқ ўтиб кетсак, бу ҳаракатларимиз билан эртага жиноятчилик авж олишига ҳисса қўшган бўлмаймизми? Маънавиятимизга путур етказмаймизми? Ўзимизни ўзимиз жарга бошлаган бўлмаймизми?

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар

Қандай жазо бор?

Яқинда шароит тақозосига кўра, электр ҳисоблагични янгисига алмаштиришнинг тўғри келиди. Ўзбекистон-Хитой давлатлари ҳамкорлигида тайёрланган маълумотда она тилимиздаги йўриқномаи ўқий олиш истгани ана шу ҳурдан-ҳушнинг сабаб ҳисоби. Асосан, қўни-қўшини бошқа-бошқа шашмадан эканман. Не кўз билан кўрайки, йўриқнома рус ва хитой тилида ёзилган эди. Ўртимизда ишлаб чиқариладиган «ҳамкорликда бўлса ҳам» маъсулотларга ўзбек тилида ёрлик ёпиштириш, йўриқнома ёзишни ҳалигача билимайди. Ёки ўзимизга ор деб билимай.

Аслида, қўнига кўра ҳар қандай ҳатто хориждан олиб келинадиган истеъмол товарлари, дори-дармонларда ўзбек тилида йўриқнома, ўнган хос таништурув қозоғи бўлиши талаб этилади-ку! Тас-суфси, эътирозли саволимга «Ўзбекэлектрҳисоблагич» қўни-қўшини бошқа-бошқа дилари танили жавоб бера олинмади. Ахир, бу қўни-нома рус ва хитой тилида-рида ёзилган эди. Ўртимизда ишлаб чиқариладиган «ҳамкорликда бўлса ҳам» маъсулотларга ўзбек тилида ёрлик ёпиштириш, йўриқнома ёзишни ҳалигача билимайди. Ёки ўзимизга ор деб билимай.

Махмуд Йўлдошев
Юнусов, турки

Қўлланма ўзбек тилида ҳам бўлади?

«Ishonch» газетасининг шу йил 30 апрелдаги сонидан чоп этилган «Қандай жазо бор?» деб номланган мақолага Бош прокуратура қўйилганча муносабат билдирди:

«ELEKTRON HISOBLAGICH» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида янги намунадаги электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилган. Бироқ электрон ҳисоблагичнинг қўлланмаси рус тилида чоп этиб келинган.

Айни пайтда электрон ҳисоблагичнинг ўзбек тилидаги қўлланмаси ҳам тайёрланди. Эндиликда у корхонада ишлаб чиқарилаётган янги намунадаги электрон ҳисоблагичларнинг қадоқлаш қутисига жойлаштирилади».

Бошқарма бошлиғи У.Мадраҳимов

Эълонлар

«Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Атроскимёв» АЖ. Шойфокор тумани филиалининг 2019 йил 12 июндаги бюртманомалари асосан қуйидаги мулклар оқиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Бухоро вилояти, Шойфокор тумани, «Сўзга» МФЙ, Халакчин қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2872м², қурилиш майдони 3913м²дан иборат бўлган эски маъмурий бино-иншоотлари. **Бошлангич баҳоси – 53 330 285 сўм.**

2. Бухоро вилояти, Шойфокор тумани, «Дўрмон» МФЙ, Дўрмон қишлоғида жойлашган, умумий майдони 354м², қурилиш майдони 160м²дан иборат бўлган «2-сонли Бинобардор» биноси. **Бошлангич баҳоси – 55 828 210 сўм.**

3. Бухоро вилояти, Шойфокор тумани, «Мингчино» МФЙ, Янгибоб қишлоғида жойлашган, умумий майдони 9012м², қурилиш майдони 3012м²дан иборат бўлган «1-сонли шохоба ва молхона» бино-иншоотлари. **Бошлангич баҳоси – 136 254 271 сўм.**

4. Бухоро вилояти, Шойфокор тумани, «Гўлистон» МФЙ, Шўрабод қишлоғида жойлашган, умумий майдони 1200м², қурилиш майдони 4578м², фойдал майдони 3959м²дан иборат бўлган 8-сонли шохоба бино-иншоотлари. **Бошлангич баҳоси – 99 335 522 сўм.**

Талабдорлар диққатига!
Аукцион савдоларидан иштирок этиш истакдаги талабдорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шартлардан қўлдангиз бюртманомалар аукцион ташкилотини томонидан расмий иш кўнакли соат 09:00дан 18:00гача Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Аукцион савдолари 2019 йил 27 июль кунин соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади. Бюртманомаларни қабул қилиш 2019 йил 26 июль кунин соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион қўлибига савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида биного бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўлима олади-судат шартномасини тузиш ҳамда одатдаги шартномасига асосан мулк учун тўловларни ахлати охириш қўлатилади.

Аукцион савдоларидан иштирок этиш истакдаги талабдорлардан савдо ташкилотини билан тузиладиган закатли пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизини қийндоқлардан закатли пулининг қўлибига берилди.

Шуни билан, жисмоний шахслардан: паспорт нусхаси, белгиланган тартибда легализация қилинган устави нусхаси, миллий ёки дипломатик паспорт (нет эг. фуқаролари), Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахсларнинг гувоҳномаси нусхаси.

Юридик шахслардан: давлат рўйхатидан ўтган, тўғрисидаги гувоҳнома, нисос нусхаси, вақили иштирок этганда ишоннома тақдим этилиши шартлиди.

Мазкур бинолар 2019 йил 27 июль кунин ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига сотилишдан тақдирда, биланларнинг тақдирот аукцион савдолари 2019 йилнинг 3, 10, 17, 24, 31 август ва 7, 14, 21, 28 сентябр кўнакли соат 11:00да ўтказиладиган олдиндан маълум қилинади.

Тақдирот савдо учун бюртманомаларни қабул қилиш савдо куниндан бир кун олдин 18:00да тўхтатилади. Бюртманомаларни иш кўнакли шавба ва жашнаб ҳамда байрам кўнаклидан тақдирот қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қўлиш учун талабдорлар савдо ташкилотини билан тузиладиган закатли келишувга асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатли пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳри «Илпотека банк» Сардор филиалидаги қўйилган ҳисобрақима тўлиш ҳисоби: ҳ/р: 2020800080492181001, И/О: 0019, С/ПР: 30213286. Мамил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси 44-уй. **Тел:** (0355) 221-51-81. **E-mail:** spartak-konsalting@uz.net. **uz BeB-sait:** www.skw7.uz.

Юридик шахслардан: давлат рўйхатидан ўтган, тўғрисидаги гувоҳнома, нисос нусхаси, вақили иштирок этганда ишоннома тақдим этилиши шартлиди.

Тошкент шаҳридаги «GULCHEXRA SAFAROVNA – BARAKA» масъулияти чекланган жамиятига тегишли №7025676-7025700 рақамли «ек» дафтарисини йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар қасаса уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашма кенгаши раиси Сайфулло Аҳмедовга ақси

Файзулла АҚМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

МУАССИС:



О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги